



ТУРКИСТОН

Туркистон бир, ватан бир

1993 йил 30 март • Сешанба • № 36 (14064) * TURKISTAN Нархи 5 сўм.


ОРОЛ МУАММОЛАРИ: КУЧ-ҒАЙРАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Марказий Осиё давлатлари бошқарушнинг Қозғоғистондаги Қизил Ғарда шаҳрида бўлиб ўтган анжуманида қатнашди. Унда Россия Федерациясининг вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Минтақа мамлакатлари олий раҳбарларининг учрашуви энг мураккаб ва долзарб иқтисодий, ижтимоий муаммолардан бири — Орол бўйидаги экология таълиғига, Орол фонида оқибатларини бартараф этиш йўлида баҳамжihat қўриладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга бағишланди.

Қизил Ғарда, учрашувининг қатнашчилари бу фонида Марказий Осиё давлатларига дахлдор бўлиб қолмай, жаҳоншумул тусга ҳам эгадир, деган бир фикрга келдилар. Қўлгина мамлакатларнинг куч-ғайратлари — молиявий, илмий-техникавий, таълимий ва ижтимоий-иқтисодий ресурсларини бирлаштириш йўли билангина бу фонидаги бартараф этиш мумкин.

Анжуманда Орол денгизи ва Орол бўйи муаммоларини ҳал этишга умумий ёндашувни ишлаб чиқишди. Мухтор ҳужжатлар имзоланди. Бундан бўён шу ҳужжатлар, жумладан Орол денгизи ва Орол бўйи муаммоларини ҳал этиш, Орол минтақаси



СУРАТДА: анжуман пайти.

Суратнаш: А. ЗУФАРОВ. (ЎЗА).

экологиясини соғломлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш соҳасида биргаликда қилинадиган ҳаракатлар тўғрисидаги битим ҳам шу йўлдаги барча ишларга асос қилиб олинади.

Давлат раҳбарларининг учрашувида Орол денгизи

ҳавзаси муаммолари билан шуғулланувчи давлатларaro кенгаш тузилди. Оролни кўтариш халқаро жамғармаси таъсис этилди. Қозғоғистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбаев бир йил муддатта шу жамғармани президент этиб сайланди.

Шу йил августда Қозғоғистон пойтахти — Нукус шаҳрида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари билан шуғулланувчи давлатларaro кенгаш ва Оролни кўтариш халқаро жамғармасининг қўшма мажлисини ўтказишга ҳам қарор қилинди.

Учрашув иштирокчилари Қозғоғистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон номида Вирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош котиби Бутрос Бутрос Ғолиёга мактуб йўллаб, Орол бўйидаги мураккаб аҳвол ва рўй берган муаммо-

ларни ҳал этиш учун белгилаган чора-тадбирлар ҳақида, шунингдек, Орол денгизи ҳавзаси муаммоларига халқаро ҳамжамиятнинг диққат-эътиборини жалб қилиш зарурлиги тўғрисида уни хабардор этдилар.

(ЎЗА махсус мухбири).



ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 27 март куни Эндриу Гельфи бошчилигидаги французлик мухбирлар гуруҳини қабул қилди.

Президент Ислам Каримов Франциялик мухбирларга Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал этиш борасида амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар хусусида сўзлаб берди. Мухбирларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Қабул маросимида Франция Республикасининг Ўзбекистондаги факультетда ва мухтор элиси Жан Поль Везнан жоноблари иштирок этди.

(ЎЗА).

ХОРАЗМДА ЁШЛАР АНЖУМАНИ

Уттан шанба кўни Хоразм вилояти Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг XXVI конференцияси бўлиб ўтди. Вилоят ташкилотининг ўтган XXV конференциясидан бўён кечган даврдаги фаолияти ва келгуси вазифалар тўғрисида виллоят қўмитасининг биринчи котиби Баҳодир Бобононов маъруза қилди. Шунингдек тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тинланди.

Хар икки масала юзасидан музокаралар бўлиб ўтди. Анжуманда виллоят ЕИ ташкилотининг ишлари тасдиқланди, виллоятқўм ва тафтиш комиссияси янги таркибга сайланди. Конференцияда виллоят қўмитасининг биринчи котибига Б. Бобононов бир овоздан қайта сайланди.

Конференция шундан ўзбекистон ЕИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Орзамонов, виллоят ҳокимининг муовини Мир Назарий, ХДП виллоят кенгаши раиси Ф. Маширапов, «Туркистон» газетасининг бош муҳаррири Ж. Разақовлар қатнашди. (Конференция иши ҳақидаги батафсил маълумотни кейинги сонларда ўқийсиз).

ТАЛАВАЛАР ИЖАРАДА ТУРИШМАЙДИ

Қарши ўқитувчилар тайёрлаш билми юртида 400 ўқитувчи иккинчи ётоқхона фойдаланишга топширилди. Энди билми юрти талабаларидан ҳеч ким ижарада турмайдиган бўлди.

А. ТАШПАТОВ, ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА

Жумҳуриятимиз мустақилликка эришганидан сўнг, иқтисодий ҳаётда кескин бирилик асб, уни бозор иқтисодий талаблари даражасига кўтариш зарурати туғилди. Ва бу соҳада жумҳуриятимизда қатор ишлар амалга оширилди ҳам. Бироқ, молиявий таълим ва пул муомаласининг издан чиқиб солиқлар тузилишини қайта кўриш, илгиривга қараганда тубдан ўзгариштириш тақоза этмоқда. 1992 йил январдан бошlab янги солиқ тузилиши жорий этилган ҳам ана шу тадбирларнинг бири эди.

Иланишлар давом этмоқда. Шу ўринда Тошкент молия институтининг олимлари томонидан олиб борилган ишларни таъкидлаш жоиз.

Хусусан, «Солиқ ва сўғурта» кафедрасининг мудири, профессор Қосимхўжа Яхьяевнинг ақида чоп этилган «Ўзбекистон солиқлари» деган китоби таҳсинга лойиқ. Унда солиқлар тизими соҳасидаги ўзгаришлар, янгиликлар ва Олмонга солиқлар теърибасидан намуналар қизиқарли тарафда баён этилган. Республикада да шу кунгача солиқлар ҳақида китоб ёки қўллама йўқ эди. Эеро, муаллиф биринчи марта солиқ назариясини изоҳлашга ҳаракат қилган.

Китоб кенг халқ оmmasига, талабаларга, аспирантларга, иқтисодчи ва солиқчи мутахассисларга йўлланган.

А. МАДРАХИМОВ, Тошкент молия институтини доценти.

КИНЕМАТОГРАФЛАР УЧРАШУВИ

Ўзбекистон кинематографчилар уюшмасида даврар соҳабни бўлиб ўтди. Сўбат чоғидаги бахшларда республика миллий кинематографиясини ривожлантириш йўллари муҳокама қилинди. Унда иккинчи уюшманинг, Ўзбекистон давлат кинокомпанияси, шунингдек Ўзбекистонда ишлаб турган киностудиялар ва киноий бирлашмаларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Республика кинематографчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби Малик Қаймонов баҳсини бошлаб, Ўзбекистон киносин ҳозир жуда кўп қийинчиликларга дуч келаятигани таъкидлади.

Молия вазирлиги билан Солиқ мақказмаси 1993 йилда кино ташкилотларини қўшлаган қиймет учун 25 фоизли солиқдан озод этишга қарор қилди.

Бундан бир йил муқаддам тузилган Ўзбекистон давлат кинокомпанияси раиси Хайрулло Жўраев компаниянинг фаолияти яқунлари ҳақида сўзлади.

Давра сўхбати чоғида иккинчи масалалар ҳам муҳокама қилинди.

(ЎЗА).


«НАВРЎ» ЭИ ХИЗМАТИДА

Кўркам ва сабатли бино ичкарисига қадам қўйишига билан дилрабо оҳангларини тошдан мавжиза бизни бахтиёр ўз оғушига олди. Яқинда бу клубда иштирокчи ишлардан иборат «Наврў» дастаси иш бошлабди. Улар байрам концерти дастури устида қизғин машқ қилишган экан.

«Наврў» — ўз номи билан Наврў — дейди. Иштирокчи тўғридан тўғридан бошқарувининг раиси Миршарип Хасанов. — У гузалликни, ўзбекча урф-одатларини мизини ва кариерларимизни улуглаши керак. Даста ишларининг фаолияти ана шу эгу йўлга йўналтирилган.

Иштирокчи байрам тантаналари ҳамон давом этаётди. Матлуботчилик ҳам баҳорнинг улуг айвонини кўтаринки кафитат билан нишонлашмоқда. «Наврў» эса хизматда Достанинг раҳбари Миршароф Қаршиев билан Аҳром Мамаев қўшиқларга куй басталашган бўлса, солист Воҳиджон Бўронов уларни маромга етказиб куйлаётди. Созандалар — Қарамон, Шоқирмон ва Санабой Қаршиевлар, доирачи Ашур Расулов ва бошқалар ижросидаги куйлар эса баҳорнинг туйғулар билан дилларга завқ-шаъқ бағишлашмоқда.

А. ТУРДИЕВ.



Оқибатли бўлайлик

МЕХР КЎЗДА

Ҳақиқатин айтиш керак. Дастурхонларимиз илгаридек тўқни бўлмасида, ҳар қалай яшашимиз бошқа республикалардаги фуқароларникидан ёмон эмас. Хукуматимиз иккони борича халқни кўздалик маҳсулотлар билан таъминлашти. Қариялар, нафақахўрлар, ногиронлар давлатимиз назоратида. Умр бўйи меҳнат қилб кексайганда жамиятдан четда қолбш ҳар бир кишига қаттиқ таъсир қилади. Яхшилик уларни ўйлайдиган инсонлар бор. Бу борада Сирдарё виллоятда қандай савобли ишлар қилинган? Мухбиримиз виллоят меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси раиси Мухаббат ЯРАШЕВА билан ана шулар ҳақида сўхбатлашди.

— Тўғри, барчанинг ўз ташвиши ўзига етиб турган замонда бирорларга ёрдам қилиш чўзиш ҳаммининг ҳам қўлидан келвермайди.

— Бу гапнингизга юз фоиз қўйишаман. Ҳозирги оғир пайтда «бизга озгина пул керак» деб бирон ташкилот раҳбарининг олдида кириш қийин. Лекин наҳар... Биздан шундай қилишга ҳам мажбуримиз. Қокиларча ундан биз шахсий лаверса учун фойдаланмаймиз. Бева-бечораларга, қаровсиз қолган қарияларга ёрдам берамиз.

— Ҳозирги пайтда Республикада жамғармалар ҳам кўпайиб кетди. Аммо, қўмиталигининг мақсади бошқа — кичик қорхоналар, турли ижорат дўноқлари очиб болаш йўллари кўзлаштирилди.

— Халқимизда бир гап бор. Биринки мингга, мингники тўмига деган. Бизан худодан кўрқмайдиган нопок кишилар ногиронлар қосасига ҳам қўл суқшдан ҳайикмай қолдилар. Уларнинг қасофатига бошқалар қолмоқда. Бунга чидаб бўлмайди. Ҳозир бизнинг виллоятимизда 853 нафар бокувчисиз қария ҳисобда туради. Уларнинг ҳар бирини холдан хабар олишимиз керак. Маблағ масаласи юқориде айтганимиздек ана оғир. Яхшилик, виллоятимизда ҳимматли раҳбарлар бор. Уларнинг саховати билан ҳисобимизга пул ўтказилиб қарияларга ёрдам бермоқдамиз.

— Республикадаги экологик вазиятни ҳисобга олиб ҳорингдаги ҳамюртларимиз, хайрия ташкилотлари муҳтожларга моддий ёрдам бермоқда.

— Нима демоқчи эканлигинингизни тушундим. Ҳақиқатан бизан ёрдамга муҳтож ногиронлар менга савоб бериб қўлишди. «Ойинжаҳонда кўрсатишди, газеталарда ёзишди, ногиронларга унча нараса ажратди, бунча нараса берилди. Қерога кетяпти улар!» деб, Лекин нопок кишиларнинг қасофати туфайли халоп бўлиб қолмоқда. Кечаяқундуз ўз тинчидан айрилиб савоб учун элиб-югурсанг алам қиларкан. Аммо, дунёда саксонлик, меҳри кишилар борлиги савоб ногиронлар озми-кўпми моддий ёрдам оломоқдалар. Анчадан бўён виллоятимизда АҚШ фуқароси Ли Руд ишайди. Унинг саховати билан 260 ногиронга доимий равишда моддий ёрдам берилмоқда.

Бу аёл умрини яхшилик қилишга бағишлаган. У ҳозирги кунда бизнинг жамғармаимизга ҳам ёрдам бериб турибди. Сирдарёга келгунча 22 мамлакатда бўлиб ўз ҳисобидан қарияларга, ногиронларга хайрия бериб келган. У бу маблағларни АҚШдаги акцияларнинг фирмаларидан олиб туради. Биз бугунги кунда Ли Руд билан янги алоқа ўрнатганимиз. У кўп бор бизникода меҳмон бўлган. Ҳориндан келиб ногиронларга, қарияларга ўз моддий ва маънавий кўмегини амагган бу аёлга таълим қилинг келадди. Қўлим кўксимда раҳмат дейман. Афсуски, бизни ташкилотларнинг раҳбарларига озгина ёрдам сўраб борсанг турли баҳоналар топшишди. Ахир дунёда савоб деган буюк нараса ҳам борку! Халқимизда бир гап бор: — меҳр кўзда бўлади деган. Ожизларга, муҳтожларга ўз муруватимизни аямалик. Улар кўзига тик қарай-олайлик.

Сўхбатдош: У. ЭРАЛИЕВ.

Уттиқ даври сабоқлари ИШОНЧ

Умуман конференция ёдда қолари даражада ўтди. Залдаги осирлиқ «Очин, маъмул, мангил, гапир» шорига мос маъруза ҳам, музокара ҳам таънидиган руҳда бўлди. Бунга биринчи музокара сўзлабди илгиринги бошқарувининг «Қозғодан ўқиб берманлар, кўнглингиздаги гапларни лўнда, ошқара айтинлар!» деган лўмаси сабаб бўлгандир.

Бугун ҳисоб бераётган ташкилот виллоятда бақувват ва яхши иш юрятаётган уюшмадир. Худди шу ерда республикамизда дастлаб «Ёшлар жамғармасига» асос солинган. Ёшларни ижтимоий муҳофазаалаш, уларнинг дам олиш вақтларини кўнгилли ўтказиш учун ўтказилаётган турли тадбирларнинг саногига етиш қийин.

Бу гапларни жамоамиз айна шундай байрамона тадбирларнинг бевосита иштирокчилари ва гувоҳлари бўлганликлари учун ҳам биландилар. Узоғи йили газетамизнинг таънидий чиқишдан сўнг ёшлар ташкилоти ярим ҳараба ҳолга келиб қолган Саид Моҳи Рўйи Жаҳон мабрасини оталиқда олиб, ободонлаштиришди. Бу обидда ҳозирги кунда ёшлар иш олаётган гузал, эйраттоҳ бир масканга айланган.

Бошқа туманлар ёшлар ташкилотлари ўқувин ёшларга саногитига стипендиялар ташкил қилиш тини ҳолда Хива Ёшлар Иттифоқи Жаалиддин Мангуберди, Ал-Беруний ва Хўжа Аҳмад Яссавий номидати эллик бир донга стипендия мунтазам равишда аёлчи, жамоатчи ёшларга бериб бормоқда.

Дарвоқе, ташкилот боқиманда эмас. Ҳисобот даврида бир миллион бунг юз эллик минг сўмдан ортиқ маблағ топширган бўлишса, шунинг яримга яқинини иш ҳақида сарфлаган. 300-минг сўмга яқин маблағ турли тадбирлар уюштиришга кетган. Айни кезде 261 миң сўмдан ортиқ пул иқтисод қилинган ёки ташкилотнинг қиссасига қолган. Бун шунинг учун эслатиш жоизки, ҳозирда ташкилотнинг «боқиманда» бўлиб қолган туман қўмиталари оз эмас. Ҳатто ойлик маош учун етарли маблағ тополмаётган ташкилотлар қанча.

Паҳлавон Маҳмуд номли хўжалик ёшлари етакчиси Мурод Собиров яна бир «огриқ»ли мавзунин кўтаради. Хўжаликда пулдратларнинг ўртача иш ҳақи 1150 сўмдан тўғри келган. Хоразмда бир тўй ўтказиш учун эса миллион сўмининг нари-берисиди қўйиб маблағ керак. Шунинг учун ҳам айна ишлаб толмайдиган айрим ёшлар қўшиқчиларга кетиб қолбш япти. Бу билан улар уларнинг оилавий аҳволларини ўнглаб олишгаётган бўлишса — бордир. Аммо, бундан давлатимиз бойиб кетмайди. Бунинг устига бегона юртларда уларни ким муҳофаза қилади. Сўнгги пайтда икки йитининг ўлигини келтиришди...

«Хива тонги» рўзномаси муҳаррири Шержон Машарипови эса масаланинг маъ-

СУПЕРКЛУБЛАР КЎПАЙСНИ!

Ҳар гап баҳор келиб, кунлар исий бошлаши билан кўнгли ўйингоҳ сари борадиган кунни алоҳида бир ҳалжон билан кўмсаввереди. Футбол Биргина ана шу сўзининг ўзи миллионлар қалбини ларзага солган, эҳтиросларни жунбулга келтирган, кимларгадир олам-олам қувонч, кимларгадир дард-алам — улашган. Шундай бўлган ва шундай бўлиб қолверадди.

Бир йил муқаддам мамлакатимизнинг илк мустақил чемпионати бошланги арафасида келажакка умидсизлик билан боқувчилар анчалгина эди десак хато қилмаймиз. Ҳозир вазият тақомилга ўзгача. Бонси хукуматимиз Наврў арафасида «яроуз қилган қарорда экан табиий». Ўзбекистон Республикасини футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги қарорини (муштарийларимиз «Туркистон»нинг 20 мартда чоп этилган сониде) ўнган бўлишлари керак. Биз ушбу қарордаги айрим ижтимоий эътиборингизни тортмоқчимиз.

Қарорни амалга ошириш борасида дастлабки қадамларни Ўзбекистон футбол федерацияси ҳақида президент этиб сайланган республикаимиз Бош вазир Абдулқошим Муталов ташлаб берганлиги ҳам шундан далолатдир. Федерация президенти Қибрайдаги ўқув-машғулот Марказига таширф буюриб, пахтакорчилар билан учрашди, уларнинг аҳоли билан таниши, қилинадиган ишлар хусусида сўзлаб берди.

Ўзбекистон футбол федерациясида янги мавсум олдидан бўлиб ўтган матбуот конференциясида бу йилги режа ва вазифалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Р. ҲАСАН.

(Давоми 4-бетда).

БИРДАМЛИК ОЙИ— ШАНБАЛИККАЧА

Ўзбекистон мустақиллиги равиқи йўлида ёшларнинг бирдамлик ойини ўтказиш тақозаси билан чиққан андижонликлар тадбирларини 11 февралдан бошлаб юборган эдилар. Ой давомиде ёзувчи шоирлар билан учрашулар, ижодий кечалар, спорт муسابоқалари ва турли ёшларнинг кўнглини ҳоринг чиқаришлари бағишланган маданий тадбирлар ўтказилиб турилди.

Эндиликда, бирдамлик ойи 3 апрелда ўтатишган шанбалликка улашиб кетди. Бу кунни Андижон шаҳридаги Навденка Кўрсак яномиди боғда (уни Ёшлар боғи қилиш ҳақида ҳокимликка тасвияномалар берилган) ишлаш учун Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ҳозирлик қўрмоқда.

Боққа икки юздан ошқ мевали, манзарали дарахлар, минг туп гўл экилди. Қўлдан таъмирланмай ётган фавора ишга туширилди.

Боғда кейинги йилларда сув таъминлиги вужудга келган эди. Шанбаллик кўни Андижон каналидан боққача

ариқлар қазилиб, сув келтирилади. Шунингдек, бу ерда волейбол, баскетбол, теннис шахмат-шашка майдончалари барпо этилади.

Шаҳарда Афгон урушида халок бўлганларга ёлгорлик ўрнатиш учун жойлар тартнога келтирилади.

Бирдамлик ойи тадбирлари ўтказишни қўллаб-қувватлаш ва ҳойимлиқ қилишни шаҳар ҳокимлиги ва Амир Темур андижонлик жамияти зиммасига олди. Шунингдек ёшлар шанбаллик учун Андижон трикотаж фабрикаси, тикув ишлаб чиқариш бирилшмаси, Электродинамик заводди, «Оксантоптика» автостанцияси, Андижон кўнглини трести бошқармаси, 2510 автоколоннаси, таскапар, салқин ичимликлар ишлаб чиқариш заводи жамоалари маблағ ўтказадилар.

ЖАММА— ЁШЛАР ҲАШАРИГА!

Л. ТАНГРИЕВ.

Бизнинг мусохаба

Оддий халқ ҳамма вақт ҳақиқатдан хабардор бўлади. Шаҳардаги бор гапни аввал одамлардан эшитасиз. Бироз ён-гон аралашган ёки қўшиб-чилиган бўлса ҳам, айтганларини рост чиқариб бериш ҳақиқатга яқинроқ бўлиб қолган...

УМИД БИЛАН ЯШАЙЛИК


Муртаво ИСОМУТДИНОВ 1958 йилда туғилган. Фарғона давлат педагогика институтини тавониб, вилоят комсомол кўнрақига ишлаган. 1987 йилда илмий олий махбурнинг сиртқи бўлимига тугаллади. Фарғона шаҳар ички ишлар бўлимида текозор вакили, 1990 йилда Охунбобоев район ички ишлар бўлими бўлими муовини, 1991 йилда шу бўлим бошлиғи вазифаларида ишлаган. 1992 йилнинг октябрийда бошлаб Қўқон шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи.

Уйланган, 3 фарзанди бор. — Менинг назаримда Қўқон хар томонлама яхши шаҳар. Шаҳардаги яхши ишлар, тартиқ, исбобий маънавият, савдогарчилик ҳақида кўп гапириб келишимиз. Республика миқёсида энг бозор арзон ва мулк-қўл шаҳар ҳам Қўқон эканини ҳисобга олсан, демак, аҳоли ёмон яшашмапти. Бироқ тўрт ой ичда уюшган жиноятчиликнинг 9 тўдаси қўлга олинган — бу бир шаҳарга кўплик қилмайдими! — Тарихдан маълумки, сиёсий ўзгаришлар даврида жамиятда жиноятчилик, поряхурилик каби иллатлар томтириб келиб улгурди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Бозор иқтисодига ўтиш давридаги қийинчиликлар кимларгадир кўп келди. Халқнинг оғир кундан фойдаланган кимсалар энди бизнинг давримиз келди, деб ўйлашди. Жиноятчилик, поряхурилик, олибсатарлик, давлат мулкнинг талон-торож қилиш оддий ҳол бўлиб қолди. Шундай бўлдики, оддий халқ кимлардан чўчиб яшашга, жиноятчилик оламнинг қонуни-қондаларига бўйсунушга мажбур бўлиб қолди. Биринининг умр бўйи янги-териб олган машинасини ўғирлаб, эва-

қамбб молларнинг тақдирини кўпчиликни қизиқтиради. Менинг ўзим ҳам ҳали шу пайтгача бирор жойда шундай моллар сотилганининг гувоҳи бўлганим йўқ.

— Бу соҳада ҳам анчагина иш қилиди. Фақатгина тўрт ой мобайнида савдо бўйича 40 га яқин рейдлар ўтказилди. Ва бу рейдлар натижасида 1,5 миллион сўмликдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари мусодара қилинди. Қўқон шаҳри, атроф туманларда ном чиқарган «жаҳон бозори» тугатилди. Шаҳарнинг турли жойларида, асосан Фуқат ва Туркистон кўчаларида ноқонуний равишда савдо қилаётган 150 дан ортиқ фуқаро ушланди. Жами 15 миллион сўмлик моллар чайқовчилардан тортиб олинди.

Олдинлари мусодара қилинган молларни шаҳар молия бўлимига топширадди. Энди ҳокимиятнинг руҳсати билан озиқ-овқат маҳсулотларини ташкилотларга, магазинларга ўзимиз бўлиб берилмиш. Рейд давомида олинган 20 хилдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотларини шаҳарнинг 22-сонли факрийларга хизмат кўрсатувчи маҳсул магазинга, 12, 14-балалар уйларига топширилди.



Ўзбекистоннинг барча қишлоқларида

Сўхбатимиз олдиндан шу нарсани таъкидлагандим. Агар жиноятчиликка қарши кураш Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланганда бу қадар самара бермасди.

Менинг назаримда гарчи бу кураш Қўқонда аввалроқ бошланган бўлсада, иш натижалари бу даражада бўлишига ақлимиз эътиборида. Чунки жиноятчилик тўдаси бир жойда тугатилгани билан аҳоли ўзгармасди. Ҳозир эса жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш жумҳуриятимизда кескин олиб борилмоқда. Уйғалмакчи, на-тижа ҳам шунга яраша бўлади.

— Жиноятчилар аксарият ҳолларда қуролланган бўлишди. Ёни бир қунарга яратиш учун қурол сўлашди. Шуниси қизиқчи, бизда қурол савдоси йўқ. Шундай экан, улар бу нарсани қаердан олишди!

— Турли марказдаги бешта пистолет, учта граната, битта кўлда аслаган автома, никита темир ичма, тўртта қирқма милтиқ, ўқ-дорилар — булар биз қўлга киритган қурол-яроқлар. Текширишлар давомида қурол-яроқлар қаердан олингани ҳам маълум бўлди.

— Машина ўғирлари ҳақида Муссар ИСРОИЛОВА сўхбатлашди. ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЕТГАНДА МАЪЛУМ БУЛДИ: ...Қўқонда яна икки жиноятчилар гуруҳи ушланди. Улардан ўқ отар қуроллар, умумий қиймати 30 миллион сўмлик турли буюмлар ва 40 дана энгил автомобил олинди.

Республикамиз ҳудудларида жиноятчиликка қарши олиб борилаётган кураш давом этмоқда. Фақатгина куни кеча 150 та жиноят фож этилиб, уни содир этган 183 нафар кимса жавобгарликка тортилди. Улар талончилик, босқинчилик, ўғирчилик каби жиноятларни содир эттиган. Айниқса иқтисодий бузғунчиликларга нисбатан шифатсиз чоралар кўрилмоқда. Кунин-кеча давлат ва жамоат мулкнинг талон-торож қилувчилардан 11 киши, харидорлар қаққига хўнаёт қилган 15 савдо ходими қўлга олинди. Шунингдек очиқ савдодан яшириб қўйилган 3.997.870 сўмлик озиқ-овқат ва саноат моллари аниқланиб, пештахталарга чиқарилди. 9 нафар чайқовчилардан 69754 сўмлик ноёб буюмлар тортиб олинди, юқорида қайд этилган барча ҳолатлар бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда.

ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРОЛМАДИ

Бухоро вилоятининг Вобкент туманида туман солиқ инспекциясининг раҳбари Ш. Ҳ. ўз иш кабинетини 5000 сўм пара олаётганда қўлга тушди. У шунча пулни туман ҳудудидagi дўкон мудирининг бирдан талаб қилган эди. Сабаби, мазкур дўконда текширув ўтказилганда хисобга олинмаган анчагина моллар борлиги аниқланган эди.

ҲАР ЭХТИМОЛГА ҚАРШИ

Ҳозирги пайтда шу зайдда иш юритаётганлар бисёр. Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманидаги туманлараро савдо базасига қарашли фирма дўкон мудирини Матчон Эшчонов ҳар эҳтимолга қарши 1571 ишша арок, 21 та ёқас мўйна-ли ва 26 дона аёлларнинг оддий палъани, 207 та аёллар ва эркеклар курткаси, 315 жуфт ҳар хил оёқ кийимларини уйига яшириб қўйди. Дастлабки ҳи-

! сортли унни «туя» қилгани фож этилди.

ТАЛОНЧИЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

Чирқоқ туманида яшовчи Умир Бердимуродов 11 февраль соат 15 лар ҳамасида Қарши шаҳрида жойлашган «Ой-ди» савдо дўконини олдига турганда 3 нафар йўлтўзур унга йўлпаси қилишга ўтди: «Қўлингидagi портфели берма-санг жонингдан умид қилма».

ЖАБРАНУВЧИ ҚЎЛДАГИ ПОРТФЕЛ ВА УНГА ҚЎШИБ 23 ДОНА ХИТОЙ АРОҒИ ВА 27 МИНГ СЎМИНИ ҲАМ ҚЎЛГА ОЛДИ

Жабранувчи қўлидаги портфел ва унга қўшиб 23 дона хитой ароғи ва 27 миң сўмини ўз қўли билан талончиларга топширди. Талончилар қорасини ўчирган ҳам эдики, У. Бердимуродов милицияга мурожаат қилди. Қарши шаҳар ИИБ-да тузилган оператив гуруҳ воқеа содир бўлган жойга етиб келди ва суриштириш ишларини олиб борди. Ҳар нафар талончи қўлга олинди. Улар турли палъанида яшашаркан. Булар Эргашев Нурмат, Эргашев Зафар ва Ҳўжанов Улўғбек бўлиб чиқди.

Республика Ички ишлар вазирлиғи хабар қилади

НАФСИДАН ИЛИНДИ

ЕМОННИНГ БИР ҚИЛИҒИ...

Анвар Донёров «Қарши қурилиш» ишлаб чиқариш Бир-лашмасига қарашли Косон туманининг 54-давлат ҳўжалиғи ҳудудига жойлашган озиқ-овқат дўконига сотувчи бўлиб ишлайди. Биноидек касби бўла туриб у қинғир ишга қўл урди. Яъни тезда бойиш тараддуғига тушиб қолди. Ҳў махнати билан бўлса қошиқиди. Харидорга бир қоп 50 килограммлик унни нақ 1550 сўмга пуллаётганда ушланди. Унинг уйи тинтув қилинганда 184 қоп ун, 1 тонна 50 килограмм сариёғе яшириб қўйилганлиги аниқланди. Бу маҳсулотларни пулга чаққанда 474 миң 200 сўмин ташкил қиларкан. Дўкон муҳр-ланиб, тафтиш ишлари бошлаб юборилди.

У. ҲАЙДАРОВ, И. МИНАВВАРОВ.

ХАЛҚ ОЧИККА, НО-ЧОРЛИККА, ҲАММА НАР-САГА ЧИДАШИ МҲМКИН. ЛЕКИН, БИЛИБ ҚЎЙИНГ-ЛАР, АДОЛАТСИЗЛИККА ЧИДАМАЙДИ! Ислол КАРИМОВ.

ИШҚ МАГНИТОФОН-ГА ТУШМАН КЕТСИН

Тошкент қишлоқ хўжалик техникумининг талабаларидан Хусниддин Ражабов ҳамда Соиб Донаевларнинг ишқ магнитофонга тушибди. Бироқ уни сотиб олай деса пуллари йўқ. Нима қилиш керак? Шу пайт Ҳўзича чапак чалиб «Топдим-топдим», деди Хусниддин. «Нимани топдинг?» — сўради Соиб. «Текни тушириш йўли-ни» да.

Шундай қилиб иккала талаба «Главлташ-кентстрой»га қарашли Чилонзор ноҳиясида жойлашган 35-сон ётоқ-хонасининг 46-хонаси-да яшовчи Ибодулла Собировнинг «Вега-19» стерео магнитофонини ўғирлаб кетишганда Чилонзор ноҳия ички ишлар бошқармасининг ходимлари томонидан қўлга олинди.

Тергов ишлари да-вом этмоқда. М. ҲАКИМОВ.



Бугуннинг гонли Иқтисодийиқтисоддаги муаммолар ҳамма соҳага ўзининг салбий таъсирини ўтказиб бўлди. Еттишмовчиликларга халқимиз ўрганиб ҳам кетди. Ҳалол кишилар эса

сасини олиб қочмаслигига ички бир илтиҳоз бўларди. Бугунги кунда эса дружиначиларни уратмай қўйди. Халқини ҳимоя қилади-ган жамоатчи жамоалар ҳам бугунги кунда пулсиз кўча-га чиқмайдиган бўлиб қолшди. Дружиначиларга эътибор йўқолди. Оқибатда ўғирчиликлар, йўл тўсариликлар, ҳатто ўлдириб, бор нарсаларини ўзариб кетишлар уз-раб турибди. Бир сўз билан айтганда милиция яқкаланиб

ҚАЕРДАСИЗ, ДРУЖИНАЧИЛАР?

ўзларининг меҳнатлари билан рўзгор тебратмоқдалар. Бироқ, тан олиб айтиш керак, замонини оғирлигидан жамиятимизда ўғирлар, босқинчилар, фирибгарлар ҳам кўпайди. Ҳозир кўпгина шаҳарларда одамлар қоронғу ту-шиш билан кўчага чиқишга ҳайқиб қолган. Авваллари ҳўбонларда, ки-но театрлар ёнида, серкати-нон кўчаларини бекатлар-ида қўлларига лента бо-лардан дружиначиларни кў-ришди. Уларни кўрган ки-шилар албатта эркин юри-шар, бирок келиб йўлнинг тўсаслигини, ёни бириб нар-

қолди. Унинг кўмакчиси бу-дан дружиначилар йўқолди. 1977 йили бир гуруҳ Тош-кент давлат дорилфунуни кечки бўлими 1-курс талаба-ларини ректорат Тошкент курилиш бошқармасига иш-га юборди. Комсомол йўл-ланмаси билан. Ушга пайт-ларда бизлар ҳам уақаста ми-лицияси ходимлари билан ишдан сўнг навбатчиликка кўп бор чиқишимизга тў-ғри келган. Навбатчиликка чиққан кунимиз (Чилонзор туманида) бир аёл кўни-шининг эри ичб келиб хо-тинини ураётганини айтиб қолди. Биз — дружиначилар у ерга этиб бордик. Маст ки-

шини милиция билан олиб келдик. Аниқлашмишча, «қаҳ-рамон»имиз ялғари судлан-ган, милиция назоратидagi шахс экан. Тўғриси айтиш керак, баъзи пайтларда 2-3 та маст-ка 1 та милиция ходимининг кучи етмайди. Ана шунда дружиначилар ёрдами ас-қолади. Ҳақто бундай ҳол-ларда милиция ходими жаборланиб қолгани ҳам кўпгина. Баъзи ҳолларда эса тўрт-беш жиноятчи безори-лар милиция ходимининг қўролини олишга ҳаракат қиладилар. Сўнг эса улар-нинг нима қилиши маълул. Республикаимиз Президентининг сўйиш-ҳаракати билан жиноятчиликка қарши қатъ-ий кураш бошланди. Катта ишни халқнинг кучисиз ни-ҳоясига етказиш мушкул. Шундай экан, менинг фик-римча дружиначиларни яна тиклаш керак. Навбатчилик қилганликларни учун уларни иш ва ўқиб жойларидан моддий ёрдам кўрсатиш за-рур. Таътилга чиқабтганла-рида иштироқчи бериш керак. ...Яънида бир танишим айтиб қолди. Қўнишини бе-зорлар ҳўбонда уриб бор нарсаларини тортиб олишиб-ди. Бечора оғир аҳволда қа-салхонада вафот эттибди. Ана шундай ноҳус хабарларни эшитганимда қалбимда бир ўқинч пайдо бўлади. Агар дружиначилар жойларда ўз фаолиятларини бажаришга-да юқоридагидай фожеалар юз бермасди. Шулар ҳақида ўйларкансан юратингда бир хайрирқ пайдо бўлади: Қа-ердасиз дружиначилар?! З. МАМАДАЛНОВ.

ИККИ ОЕҚЛИ «БҒРИ»ЛАР

Китоб туманидаги «Зарафшон» давлат хўжалигининг 4-қўйчилик фермаси бош чўпо-ни Ислол Нортўраев ўз суру-вини бошқа чўпонга топшира-ётган пайтда кўча қамомадга йўл қўйилганлиги аниқланди. Су-рувдан 384 бош қўй кам чиқди. Буни пулга қақса 873689 сўмини ташкил қиларкан. Худди шу ферманинг яна бир бош чўпо-ни Исоқ Ҳайдаров ҳам бошқа чўпонга сурувини топшираёт-ганда 218 бош қўй, яъни 440648 сўм қамомадга йўл қўйилганлиги аниқланди. Қўтонга бўри ораласа унинг изи қола-ди. Кўпи билан 4—5 қўйни «тин-читади». Аммо, қўйлар ораси-даги баъзи «икки» оёқли бўри-лар жониворларни исзис йўқо-тади. Хуллас, ҳар иккала иш бўйича тафтиш тайинланди. Су-риштириш ишлари давом эт-моқда. Бир килограмм қўй гўштининг бехоси осмон баравар бўлгач, ўғри қўй ўғирламай товуқ ўғир-ласиним!» Косон шаҳрида яшо-вчи Одиля Тўрақуловнинг уйдан 6 бош бетона қўй топилди. Бу олдин 7 бош қўйни йўқот-ган Косон туманида яшовчи Ашвиш даяиллар сифатида қўйлар эгасига қайтарилди. Одиля Тўрақуловнинг устидан тергов ҳаракатлари олиб бори-лаётди.

Қайси бир жамиятда инсон-лар тинч ва осойишта яшамас экан, ўша жамиятда норози-лик пайдо бўлиши табиий. Ҳақ-хуқуқи хўрланган инсон эса ўзи яшаётган давлатдан ҳақ қачон миннатдор бўлмай-ди. Адолат бўлмаган жойда ҳаққибат бўлилади. Ундан фа-қат қўли қалта инсонларгина озор чекадилар. Маънавий хўрландилар, ўғирлар, фи-рибгарлар, уюшган жиноятчи-лар эса давра-даворон суриб ишайвердилар. Жамиятимизда-ги оғир иқтисодий шароит-

дан фойдаланиб бойиш мақ-садида халқнинг ҳаққига ҳўна-тар қилаётганлар кўпаймоқда. Улар шахсий бойлик орттириш учун беғуноҳ одамларни ўл-диришдан, ёш болаларни ўғир-лаб тазьмағирлик қилган ҳам қайтмавтилар. Яхшиямки уларнинг фаъли-тига чек қўйиш мақсадида Рес-публикамизда жиноятчиликка қарши кураш бошланди. Бир қанча вилоятларда уюшган жиноятчиларнинг катта-катта гуруҳлари қўлга олинди. Иш-лар давом этмоқда. Фарғона

Сўрашди: Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси ходи-ми Валерий Гаврилов жиноят-чилардан тортиб олинган ав-томатини кўздан кечирмоқда. Сўрашди: Ш. АЛИМОВ. [У.З.]

«МОСКВИЧ» ИШҚИБОЗЛАРИ

Бир ой ўтар-ўтмас иккита «Москвич» эгаларининг бош-га ҳам шундай ташвиш тушди. Туман ички ишлар бўлими-да ўтказилган шовишнинг йи-ғиниш мақсуд ўғирчиликларни фож этиш мақсадида кунайти-рилган текозор гуруҳ тузиш-ни лозим топди. Гуруҳга раҳ-

бар этиб таърибали изкувар С. Бобомуродов тайинланди. Қидирув ишлари фақат Паст-даргомдагина эмас, вилоят-нинг бошқа шаҳар ва туман-ларида ҳам олиб борилди. Бир ой деганда калавонинг текширувдан ўтказилгач, ўғ-ирларнинг изига тушишди. Улар ўн беш кишидан иборат бўлиб, уюшган жиноятчилар И. исмли «чурчнинг» атрофи-да бирашмишган эди. Бирга ўғирчиликлар шу кимсаларни

«шахсан кўрсатмаси» билан содир этилганлиги ҳам текозор гуруҳ аъзолари томонидан фож этилди. Уларлаб иштироқчи ўн олти-та «Москвичнинг» ўнатиш э-галарига қайтариб берилди. Қолган машиналарнинг ўғир-лар томонидан эҳтиёт қисм-

Зояр хол МИРЗО ўғли. Саваранди вилояти.

Улкамизни кезмоқда Наврўз



мади. Аммо ўша кунги савдодан тушган маблағ мактабни таъмирлаш, ободончилик учун ишлатишга қарор қилинди.

Болалар шодлиги тутсин оламни

Болалар шодлиги, қувончининг баҳоси борми? Улар қулса, олам қулди. Таъбир жоиз бўлса, Андижон шаҳридаги «Болалар боғи»да Наврўз кунини ҳақиқий болалар байрами бўлди.

Меҳмонлар шод кетишди

Тошкент Давлат Дорилфунунининг ўнлаб факультетлари бор. Агар ҳар кун биттаси байрамни нишонлайдиган бўлса — Наврўз ТошДДда бир ойча давом этади.

Белгиланган вақтга тўқин, дид билан безатишга дастурхон атрофида меҳмонлар йиғила бошлади. Байрам дастурига кирган дастурхон беаъш танлов иштирокчилари бор маҳоратларини ишга солган эдилар.



зи бутунлай соғайиб кетаяпти. Массаж, иглотерапия, шиаучу методи, руҳий қувват бериш, биокувват бериш ва бошқа орқали даволаш.

Муסיқанинг жозибаси

Музиқанинг жозибаси созида боғлиқ «ШАРҚ» ТАБОБАТ МАРКАЗИНИНГ ДИРЕКТОРИ МАДИЕР САЛАЕВ БИЛАН СУХБАТ

— Юқори даражали врач томирдан ушлаб, олий даражали врач эса маълум бир масофадан туриб касаллигини аниқлай оладигани ҳисобланади.

АДАБИЙ ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тарғибот марказининг Халқаро мунофотлар кўмитаси ҳар галликда Наврўз байрам арафасида 1992 йил ғолибларини аниқлади.

- 1. ОРИФ АЖАЛГА (Озарбаён), шоир, олим. Умум-турк адабиётидан қилган таржималари ва мақолалари учун.

ХАЛҚАРО АБДУЛҲАМИД ЧУЛПОН МУКОФОТИ

1. ЗИЁВУДДИН ВОВОҚУР-ВОҒА (Олмония), журналист, ношир. Туркияда «Хур Туркистон» учун истиқлол газетасини таъсис қилганига ва мустақиллик ҳақидаги мақолалари учун.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тарғибот маркази Халқаро мунофотлар кўмитаси масъул котиби Рауф ПАРФИ шу муносабат билан қўнмақларини айтди:

Келгуси сонда: САИД АҲМАД: «СУЯНАДИГАН ЧИНОРЛАРИМ БОР» ЯДРО ҚУРОЛИ КЕРАКМИ ЕКИ..

СУПЕРКЛУБЛАР КЎПАЙСИН!..

Футбол бўйича 1993 йилги Ўзбекистон чемпионати бошланди



байроғи Тошкент ва Косонсойда, Наманган ва Бухорода, Нукус ва Гулистонда, Қўқонда қўтарилиди. «Пахтакор» (Тошкент) — «Динамо» (Самарқанд) ҳамда «Навбахор» (Наманган) — «Винокор» (Қиёрай) учрашувлари футбол мухлислари ойна жаҳон оранди қўрган бўлишлари керак.

Дастлабки тур учрашувлари қуйидагича яқунлави: «Косонсой» — «Сўғдиёна» — 1:1, «Навбахор» — «Винокор» — 1:0, «Нуратон» — «Наврўз» — 2:1, «Орол» — «Нефтчи» — 2:3, «Полиотдел» — «Янгиер» — 4:0, «Шифокор» — «Трактор» — 1:0, «Темирўз» — «Чирчиқ» — 1:0.

Газета саҳифаланаётганда:

«ТЕМИРЎЛДАН БОШЛАНГАН ДУНЕ»

Буюк Британиянинг Би-Би-Си телекомпанияси суратга олаётган олти сериялик фильм «Темирўзлардан бошланган дунё» деб аталади.

Таъсис этувчилар: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЎМИТАСИ ба «ТУРКИСТОН» ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ТАХРИРИЯТ: хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сёвёти ҳамда фан ва ҳаёқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадий беъаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

Хотира



ОДАМОХУН ВА ҲАЗИЛКАШ ЭДИ

Одам улғайган сари бандалигини чуқур ҳис этиб боради экан. Айниқса, билган, кўрган, бирга ишлаган одамлар ҳаётдан қўй юкса, Кексайиб, ошини ошаган бўлса майяла, ёш, ҳали ҳаётдан улмаган қарзлари кўп бўлса-чи! Шундан ҳам юзигага фотиха тортасан-у, ўлим ҳақ деб ишон келтирмасиз. У-ўзидан мукддас ҳақидеги беш нарғизга ташди: ўлимдан олдин тирикликнинг, бегобликдан олдин саломатликнинг, қариликдан олдин шайқилининг, қариликдан олдин бундан бошқанининг қадрига етмоқ дўстнинг.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ Тахрир ҳайъати: М. АБУСАМАТОВА, А. АҲМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Н. ЖАЛИЛОВ, К. ЖУМАНИЁЗОВ, К. РАҲИМОВ, З. РИХСИЕВ (масъул котиб), Қ. ЭШМАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700003, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-й. Нашр кўрсаткичи: 64607. Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.